

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲАҚБЕРДИЕВ БЕКЗОД ЎКТАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳар – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Ҳақбердиев Бекзод Ўқтамович

Ўзбекистонда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари..... 3

Хакбердиев Бекзод Уктамович

Пути обеспечения финансовой устойчивости страховых компаний в Узбекистане..... 29

Hakberdiev Bekzod Uktamovich

Ways to ensure financial stability of insurance companies in Uzbekistan 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 60

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲАҚБЕРДИЕВ БЕКЗОД ЎКТАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳар – 2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iq1985. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ifi.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Исаков Жанабай Яқуббаевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ашурова Насиба Ботировна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети**нинг Тошкент шаҳридаги филиали

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "30" 09 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 60 А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmivkengash@tifi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24/12/20 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 60 А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: info@tifi.uz

Диссертация автореферати 2020 йил "14" 09 хуни тарқатилади.
(2020 йил "14" 09 даги 37 рақамли реестр баённомаси)



С.У.Меҳмононов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Калацдарова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, PhD

И.П.Кўзиен
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида иқтисодий хавф-хатарларнинг глобаллашуви ва турли инкирозларнинг вужудга келиши натижасида миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий ва молиявий барқарорлигига таъсири давлатларнинг мавжуд молия тизими механизмини жумладан, суғурта тизими ва суғурта компаниялари фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис дунё мамлакатларида ва халқаро муносабатларда суғурта хизматларисиз бирор фаолият амалга оширилмайди. Ривожланган мамлакатларда суғурта хизматларидан тўпланган маблағлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8-12 фоизни ташкил этмоқда. Халқаро муносабатларда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлик даражасини намоён этувчи кўрсаткичлардан бири бу йиғилган суғурта мукофотлари бўлиб, улар “йирик ҳажмдаги инвестиция маблағларининг тўпланишига имконият яратиб бериши билан баҳоланмоқда”¹. Бу ўз навбатида суғурта компанияларининг инвестиция қилишга бўлган имкониятини кенгайтиради ва суғурталовчининг молиявий барқарорлик даражасини мустаҳкамлайди.

Халқаро амалиётда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишларини белгилашга доир кенг қамровли тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларнинг асоси суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга бевосита алоқадор бўлган факторларни тавсифлашга қаратилган бўлиб, микроиқтисодий ва макроиқтисодий факторларга бўлинади. Микроиқтисодий факторлар суғурта компанияларининг суғурта, инвестиция ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлса, макроиқтисодий факторлар эса тармоқ ичидаги, ички ҳамда ташқи иқтисодий факторлардан иборат бўлади. Юқоридаги ҳолатларга қарамадан, бугунги кунда халқаро амалиётда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишларига қаратилган тадқиқотлар олиб бориш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ислохотларни амалга оширилиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини “жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган”². Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида суғурта соҳасини ўрта ва узок муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли

¹<https://www.louisepryor.com> - Enhanced capital requirements and Individual Capital Assesments Insurers; Comite Europeen des Assurances.pdf

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини уч бараварга, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса икки бараварга ошириш вазифаси қўйилган. Бу эса суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 9 октябрдаги ПҚ-3317-сонли “KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги 222-сонли “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш йўналишларидан бири сифатида қатор иқтисодчи олимлар томонидан хусусан, суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш хорижий иқтисодчи олимлардан Д. Бланд, А.А. Гвозденко, Б.Ю. Сербиновский, В.Н. Горькуша, А.А. Кварандзия, Т.Е. Гварлиани, В.Ю. Балакирева, Е.Л. Прокофьева, А. Манэс, В.Н. Едророва, Е.А. Мизиковский, И. Вороновалар томонидан келтириб ўтиш мумкин³.

³Д.Бланд. Insurance:Principles and Practice, The Chartered Insurance Institute. 1993, перевод на русский язык 1998, 59-65 с., Гвозденко А.А. Финансово-экономические методы страхования. Москва, Финансы и статистика, 1998. 63 с., Сербиновский Б.Ю., Горькуша В.Н. Страхование. Феникс, Ростов на-Дону, 2000.58с., Кварандзия А.А. Платежеспособность страховой организации:оценка и методы управления. Автореферат дисс. на получение науч.зв. к.э.н. С.Петербург, 2003. Гварлиани Т.Е., Балакирева В.Ю. Денежные потоки в страховании. Москва, Финансы и статистика, 2004. 254 с., Прокофьева Е.Л. Инвестиционные возможности страховых компаний. Монография. Абакан: Изд-во Гос. Университета Хакасии, 2008. 52 с., Манэс А. Основы страхового дела. Москва, 2010. 68 с., Едророва В.Н., Мизиковский Е.А. Учет, оценка доходности и анализ финансовых вложений. Москва, Магистр: ИНФРА-М 2011. 125 с.,

Ўзбек олимлари Х.Р.Собиров, Х.М.Шеннаев, М.Х.Ходжаева, М.Т.Асқарова, Т.М.Баймуратов, Қ.М.Қўлдошев, А.С.Нуруллаев, С.Х.Умаров, И.Х.Абдурахмонов, И.Ф.Кенжаев, Г.Т.Халиқулова ва бошқалар томонидан суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишларининг айрим масалалари тадқиқ этилган⁴.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасини “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва уни баҳолаш тамойилларини белгилашдаги назарий-методологик ҳолатларни умумлаштириш;

мустақил рейтинг методикаларни амал қилишининг зарурлигини асослаш, рейтинг агентликларини принципиал схемаларини аниқлаш;

миллий суғурта компанияларининг статистик маълумотлар базасини яратиш;

Ўзбекистон миллий суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, чет мамлакатлар суғурта бозорлари билан

Воронова И. Risk management and measurement system development and its influence on Baltic Insurance market/Doctoral Thesis//Riga Technica 2016.

⁴Собиров Х.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб.-Т.: “Мехнат”, 1998 -160 б, Шеннаев Х.М.Проблемы становления страхового рынка в Узбекистане: Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. -М.: 1996. Ходжаева М.Х. Суғурта фаолияти бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, -Т.: БМА-2001 130 б., Асқарова М.Т. Развитие системы страхования в обеспечении экономического роста в условиях рыночных преобразований в Республики Узбекистан, автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н., -Т.: Институт экономики АН РУз-2003. -132 ст., Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: Давлат ва жамият қурилиши академияси-2004, 125 б., Нуруллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва деҳқон хўжалиқларини суғурталаш масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.:БМА, 2007.-23 б., Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Т.: БМА, 2009. 23 б., Умаров С.Х. Страховой рынок Узбекистана: основные проблемы и тенденции развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н.-М.:2013. 26 стр., Абдурахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, -Т.: БМА-2010 20 б., Кенжаев И.Ф. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. -Т.: ТМИ, 2019. 26 б., Халиқулова Г.Т. Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмининг такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. -Т.: ТМИ, 2019. 28 б.

таққослаш, миллий компаниялар учун A.M. Best рейтингини тузиш методикасидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

молиявий барқарорликни баҳолаш тамойилларини ишлаб чиқиш ва асослаш, улар асосида унинг методикасини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистонда фаолият олиб боровчи суғурта компаниялар фаолиятида қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон миллий суғурта бозоридаги суғурта компанияларининг молиявий муносабатлари, суғурта бозори ва унинг субъектларининг барқарор фаолият кўрсатиши белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, Ўзбекистон Республикасидаги суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда баҳолашнинг назарий ва амалий масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, ўзаро ва қиёсий таққослаш усуллари самарали фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғурта портфелининг барқарорлигини таъминлаш чораси сифатида тузилиши кутилаётган суғурта шартномаларини экспертиза қилиш тизимини жорий этиш таклиф этилган;

вариацион қўлам ёки тебранишлар амплитудаси кўрсаткичлари, суғурта компаниясининг молиявий аҳволини тавсифловчи коэффицентлар, суғурта соҳасининг мониторинг тизимига кирувчи кўрсаткичларини аниқлаш асосида суғурта компаниясининг молиявий фаолиятидаги рискинни баҳолаш таклиф этилган;

суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги шаффофлигини таъминлашда суғурта тўловлари ва харажатлари, активлар ва капитал рентабеллиги коэффицентлари ҳамда комбинациялашган коэффицент, инвестицион портфелнинг даромадлилигини аниқлаш бўйича кўрсаткичлар ишлаб чиқилган;

суғурта компаниясининг инвестиция портфелини кенгайтириш орқали даромадини кўпайтиришда компаниянинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш, инвестиция сиёсатида белгиланган стратегияларда компаниянинг фойдалилик, ликвидлиликни ошириш ҳамда унинг даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш модели таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот яқунлари бўйича ишлаб чиқилган амалий натижалар қуйидагилардан иборат:

суғурта молия категориясининг қисми сифатида амал қилиш баробарида ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги асосланган;

суғурта компаниялари молиявий муносабатларининг турлари классификацияланган ва ушбу муносабатлар билан боғлиқ муаммолар аниқланган;

суғурта компаниясининг молиявий оқимлари классификацияси амалга оширилган;

суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминловчи макро ва микроиктисодий факторлар аниқланган;

суғурта компанияларининг даромад манбалари классификацияланган ва республикамиз суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурта ташкилотларида даромадларни кўпайтириш йўлларини такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурта компанияларида даромадларни кўпайтиришни такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, суғурта фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, суғурта компанияларининг расмий эълон қилинган маълумотлари ва молиявий ҳисоботлари, мамлакат ва хорижий олимларнинг эксперт баҳолари ва ишланмалари, интернет тармоғида тақдим этилган расмий маълумотлардан фойдаланилганлиги ҳамда хулоса ва таклифларнинг тегишли суғурта ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишларига бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни суғурта компаниялари фаолиятига тадбиқ этилиши ҳамда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

суғурта портфелининг барқарорлигини таъминлаш чораси сифатида тузилиши кутилаётган суғурта шартномаларини экспертиза қилиш тизимини жорий этиш бўйича берилган таклиф “ALSKOM” суғурта акциядорлик жамияти томонидан шартномаларни тузиш жараёнида амалиётга жорий қилинган (“ALSKOM” суғурта акциядорлик жамиятининг 2019 йил 7 ноябрдаги 02/1760-сон маълумотномаси). Мазкур таклифга асосан компаниянинг барча таркибий тузилмалари, шу жумладан, ҳудудий филиаллари томонидан тузилиши кутилаётган суғурта шартномаларининг суғурта жавобгарлиги миқдори белгиланган лимитдан ортган қисмини кўриб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилган. Ушбу тизим компания фаолиятига жорий этилиши натижасида “ALSKOM” суғурта акциядорлик жамиятининг тўлов коэффициенти 2017 йилга қараганда 2019 йилда 31,9 фоизга камайган;

суғурта компаниясининг молиявий фаолияти рискинни баҳолаш бўйича кўрсаткичлар (вариацион кўлам ёки тебранишлар амплитудаси

кўрсаткичлари, суғурта ташкилотининг молиявий аҳволини тавсифловчи тизимга кирувчи коэффицентлар, суғурта соҳасининг мониторинг тизимига кирувчи кўрсаткичлар, мониторинг тизими кўрсаткичларининг нисбий рискларини аниқлашга имкон берувчи вариация коэффиценти) бўйича берилган таклиф “ALSKOM” суғурта акциядорлик жамиятини ривожлантириш йўл харитасида ўз аксини топган (“ALSKOM” суғурта акциядорлик жамиятининг 2019 йил 7 ноябрдаги 02/1760-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф компаниянинг амалдаги фаолиятида қўлланилиши натижасида компаниянинг инвестиция қўйилмалари миқдори 2019 йилнинг 9 ойида 70 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 128 фоизга ошган;

суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини, шаффофлигини таъминлаш кўрсаткичи коэффицентлари (суғурта тўловлари ва харажатлар коэффиценти, активлар рентабеллиги коэффиценти, капитал рентабеллиги коэффиценти, комбинациялашган коэффицент, инвестицион портфель даромадлилиги коэффиценти) бўйича берилган таклиф “ALSKOM” суғурта акциядорлик жамияти томонидан молиявий таҳлил амалиётига жорий қилинган (“ALSKOM” суғурта акциядорлик жамиятининг 2019 йил 7 ноябрдаги 02/1760-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф компаниянинг амалдаги фаолиятида қўлланилиши натижасида компаниянинг соф фойдаси миқдори 2019 йилнинг 9 ойида 2,276 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106 фоизга ошган;

суғурта компаниясининг инвестиция портфелини кенгайтириш орқали даромадларни кўпайтириш мақсадида, компаниянинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш, инвестиция сиёсатида белгиланган стратегиялардан компания ўз ихтиёрига кўра фойдалилик ва ликвидлиликни ошириш, суғурта ташкилотида даромадларни шакллантириш ва кўпайтиришда компаниянинг молиявий моделини яратиш бўйича берилган таклиф “Kapital Sug'urta” акциядорлик жамиятини ривожлантириш йўл харитасида ўз аксини топган (“Kapital Sug'urta” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 23 ноябрдаги 01-01/4086-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф компаниянинг амалдаги фаолиятида қўлланилиши натижасида компаниянинг молиявий барқарорлик даражаси юқори таъминланиб, 2018 йилда компания томонидан йўналтирилган қисқа муддатли инвестиция маблағлари миқдори 28437,1 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 баробарга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий

нашрларда 3 та илмий мақола, шундан 1 таси хорижий ва 2 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигининг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда суғурта соҳаси молия-кредит тизимининг қисми, молиявий барқарорлик тушунчасининг иқтисодий моҳияти ҳамда суғурта компанияларининг молиявий ресурслари уларнинг молиявий барқарорликни таъминлашда ўрни тадқиқ қилинган.

Суғуртанинг пайдо бўлиши тўғрисидаги тарихий маълумотларга кўра, унинг пайдо бўлишини эраמידан олдинги икки мингинчи йилларда Бобил подшоҳи Хаммурапи қонунлари билан боғлайдилар.

Аmmo бундай жамиятлар нотижорат шаклида бўлиб, суғурта мукофотлари олдиндан шакллантирилмаганлиги ва фақат XIV-асрга келиб, пул кўринишидаги суғурта фондини олдиндан шакллантирадиган тижоратга асосланган суғурта компаниялари пайдо бўла бошлаганлиги ва улар XVII-асрга келиб оммавийлашганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги масаласининг муҳимлик касб этиши ҳам шу даврларда юз берган. Тижорат асосида ташкил этиладиган суғурта ташкилотлари кенг имкониятларга эга бўлиб, улар ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахснинг ҳаёт ва фаолияти билан боғлиқ барча хавф-хатарларни суғурталаш билан ўз зиммаларига катта ҳажмдаги суғуртавий жавобгарликларни олади.

Суғурта компаниялари томонидан олинган суғуртавий жавобгарликлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу ҳолатни биз қуйида тасвирланган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (1-жадвал).

**Суғурта компаниялари томонидан олинган суғуртавий
жавобгарликларнинг ўсиш динамикаси⁵ (трлн.сўм)**

Кўрсаткичнинг номи	Йиллар						2013 йилга нисбатан 2018 йилда ўсиш (+) ёки камайиш (-) % да
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	
Суғурталовчилар томонидан олинган мажбуриятлар	161,5	240,5	262,8	298,1	539,1	599,9	+ 371,5

1-жадвалда суғурта компаниялари томонидан олинган суғуртавий жавобгарликлар тўғрисида маълумотлар тасвирланган бўлиб, 2013 йилда суғурталовчилар томонидан олинган суғуртавий жавобгарлик 161,3 трлн.сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб, 599,9 трлн.сўмга етиб, 2013 йилга нисбатан 2018 йилда суғурта компаниялар томонидан олинган суғуртавий жавобгарликлар 438,4 трлн.сўмга ёки 371,5 фоизга ўсган. Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, суғурта компанияси ўз мажбуриятларини бажара олиши учун талаб қилинадиган молиявий барқарорлик жуда муҳим ҳисобланади ва бундай барқарорликни таъминлаш мураккаб масала бўлиб, катта билим, малака, тажриба ва илмий асосланган усуллар талаб қилинади. Шу боис суғурта компаниялари катта миқдордаги мажбуриятларни олган ҳолда ўз молиявий барқарорликларини сақлаб қолишларида қайта суғурта хизматларининг мавжудлиги муҳимлик касб этади ва ушбу хизматдан самарали фойдаланиш суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек мазкур бобда суғурта иқтисодчи олимлар томонидан молия категориясининг қисми сифатида эътироф этишлари тўғрисида кўплаб таҳлил этилган ва биз томонимиздан суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган ҳолда уни фақат молия категорияси эмас, балки кредит категорияси сифатида ҳам эътироф этиш мумкин деган фикрлар ифодаланган. Чунки суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагилар келтирилган:

суғурта мулкнинг пул шаклидаги эҳтимолий ҳаракати билан боғлиқлиги. Яъни, иқтисодий субъектларнинг суғурталанган мулкига кутилмаган ҳодисаларнинг юз бериши натижасида зарар етказилганда пулли қайта тақсимлаш муносабатларининг юзага келиши;

суғурта учун зарарни тақсимлашнинг чегараланганлик хусусияти бор. Яъни суғурта муносабатларида иштирок этаётганларнинг ичидаги зарар кўрганларнинг зарари жами иштирокчилар ўртасида тенг тақсимланиши;

суғуртанинг маълум доирадаги ҳаракати маълум ҳудуд ва вақт

⁵<http://www.mf.uz> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

доирасида. Суғуртанинг эҳтимоллик табиати нисбатан катта ҳудудда ва кўп сондаги суғурта объектларида амал қилиш заруратини ва суғурта тўловларининг бир қисмини маълум йил оралиғи учун захирашатириш заруратини келтириб чиқаради;

суғурта фондига йўналтирилган маблағларнинг қайтарилиш хусусиятининг мавжудлиги. Суғуртадаги бу ўзига хослик суғуртада амал қилувчи эквивалентликнинг қуйидаги базавий принципи билан боғлиқ: суғурта мукофотлари ва суғурта қопламалари ҳамда суғурта компанияси харажатларига тенг. Суғуртага қабул қилинган маблағларнинг қайтарилиш хусусияти кредит категорияси билан ўхшаш бўлганлиги унинг фақат молия категорияси эмас, балки кредит категорияси ҳам эканлигини билдиради.

Суғуртанинг юқорида келтирилган ўзига хос хусусиятлари, амалдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун ҳамда олимлар томонидан берилган, суғуртанинг моҳиятини очиб берувчи таърифлардан келиб чиққан ҳолда суғуртага қуйидагича муаллифлик таърифи берилган: суғурта – мақсадли пул фондларини шакллантириш ва инсонлар ҳамда иқтисодий субъектлар фаолияти билан боғлиқ маълум ҳодисалар (суғурта ҳодисалари) юз берганда уларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш учун ишлатиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизимидир⁶.

Суғурта компанияси учун барқарорлик ва хавфсизликка интилиш муҳим ҳисобланади. Чунки суғурта компанияларига нисбатан кўп ҳолларда “биринчи ўринда ишончлилик” концепцияси қўлланилади⁷. Шунинг учун суғурта компанияси бир маромда фаолият кўрсатиши учун қисқа ва узок муддат давомида даромадлар харажатларга тенг ёки ундан юқори бўлиши керак. Бу дегани, суғурта компанияси томонидан тўпланган суғурта мукофотлари суғурта ҳодисалари бўйича тўловлар билан суғурта компанияси харажатларининг йиғиндисидан инвестиция ва қайта суғурта даромадларини айириб ташлагандаги суммага тенг ёки ундан ортиқ бўлиши керак.

Суғурта компанияларининг молиявий фаолиятини тўғри ва рационал ташкил қилиш унинг самарали фаолиятга эришишида муҳим фактор ҳисобланади⁸. Бунинг учун уларнинг ушбу фаолиятини доимий равишда ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш зарур. Суғурта компанияларининг молиявий жараёнларини саноат корхоналарининг молиявий жараёнларини таҳлил қилишда қўлланиладиган усуллар билан таҳлил қилиб бўлмайди. Бу ушбу фаолиятнинг ўзига хослиги билан изоҳланади.

Суғурта компаниясининг молиявий ресурслари – бу суғурталовчи ихтиёрида бўлган ва хўжалик фаолияти, суғурта операциялари ҳамда инвестицион фаолиятда ишлатилаётган жами пул маблағларидир. Суғурта компаниясининг молиявий ресурслари иккита асосий қисмдан ташкил топади хусусий капитал ва жалб қилинган маблағлар ва бунда жалб қилинган маблағлар хусусий капиталга нисбатан катта ҳажми ташкил этади. Хусусий


⁶Таъриф муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁷Крутик А.Б., Никитина Т.В. Организация страхового дела. СПб.: Изд.дом “Бизнес-пресса”. 1999. – с.304

⁸Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Финансы предприятий. Москва, ИНФРА-М, 1998. 343 с.

капитал устав капитали, қўшилган капитал, захира капитали, тақсимланмаган фойда, ҳамда сотиб олинган хусусий акциялар, мақсадли тушумлар ва келгуси давр харажатлари учун захиралардан ташкил топади. Суғурта компаниясининг фаолияти суғурталанувчиларнинг суғурта мукофотлари ҳисобидан пул фондларини (суғурта захиралари) ташкил қилиш ва тузилган суғурта шартномаларида кўзда тутилган суғурта ҳодисалари юз берганда ушбу фонд ҳисобидан зарарларни қоплашдан иборат.

Суғурта компаниясининг молиявий ресурслари вақт нуқтаи-назаридан молиявий оқимни ўзида акс эттиради. Суғурта компаниясининг молиявий оқимини қуйида тасвирланган расм маълумотларидан кўришимиз мумкин (1-расмга қаранг).



1-расм. Суғурта компаниясининг молиявий оқимлари⁹

⁹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектни пул оқимлари икки қисмдан: даромадлар ва харажатлар қисмидан иборат бўлади. Аммо уларнинг таркиби, айниқса суғурта компанияларида ўзига хос таркибдан иборат бўлади. Даромадларнинг асосий қисми суғурта фаолиятидан ва инвестиция фаолиятидан ташкил топади. Харажатларнинг асосий қисми суғурта захиралари ва қайта суғурта харажатларидан, кейинги ўринда давр харажатлари ва молиявий харажатлардан ташкил топади.

Молиявий барқарорлик ҳар қандай ташкилотнинг ҳолатини белгиловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Шу билан бирга ушбу тушунча бўйича аниқ ва бир хил таъриф мавжуд эмас. Ушбу тушунчани турли манбаларда турлича талқин қилинади. Кўпгина ишларда молиявий барқарорликни таҳлил қилишда маълум коэффициентлар ўрганилади (тўловга қобиллик, рентабеллик, ликвидлик ва бошқалар) ва уларнинг натижалари таҳлил қилинади. Аммо бунда ташқи ва ички факторларнинг таъсири натижасида коэффициентлар ўзгариши динамикасининг ўзгариш эҳтимоллиги ўрганилмайди.

Иқтисодиёт назариясида “барқарорлик”ни таҳлил қилишни бошлаб берган В.Вальрас ва А.Маршалл томонидан “барқарорлик”нинг классик (мумтоз) модели ишлаб чиқилган. Унга кўра, тизим бозор нархларига тузатишлар киритиш (В.Вальрас) ва ҳажмга тузатишлар киритиш (А.Маршалл) каби маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда барқарор ҳолатга қайтади¹⁰.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва барқарорликни таъминлашга нисбатан ёндашув мавжуд бўлиб, унинг асосида молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни турли рисклардан ҳимоялаш механизми сифатида кўриб чиқиш ётади. У рисклар назариясини ишлаб чиққан кўплаб хорижий олимлар, жумладан, Ж.Маршалл, Ф.Бансал К.Викулларни илмий ишларида такомиллаштириб борилган¹¹.

Суғурта соҳасидаги муаллифлар молиявий барқарорликни вақт доирасидаги тўловга қобиллик ёки вақт доирасидаги турғун жалб қилинган капитал ва хусусий капитал ўртасидаги нисбат сифатида қарайдилар. Баъзи назариётчилар эса суғурта компаниясини молиявий барқарорлигига компаниядаги мавжуд ҳолатни сақлаб қолиш ёки молиявий оқимларга ташқи ва ички факторларнинг таъсири натижасидаги ўзгаришларни тиклаш имконияти сифатида қарайдилар. Аммо шундай бўлса-да, молиявий ҳолатни белгилаш борасидаги танлов муҳим ҳисобланади.

Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини бирор-бир ягона кўрсаткич асосида белгилаш ва бунда ушбу кўрсаткичнинг бошқа кўпгина кўрсаткичлар билан боғлиқлигини эътиборга олмаслик нотўғри ҳулосанинг шаклланишига олиб келади. Шунинг учун суғурта муддатидан келиб чиққан

¹⁰Маршалл А. Принципы экономической науки. –М.:Прогресс, 1993. – 350 с.

¹¹Маршалл Джон Ф., Бансал Викул. Финансовая инженерия: полное руководство по финансовым нововведениям. Пер. с англ. – М.: Инфра-М, 1998.-784 с.

ҳолда, суғурта компанияси суғурта шартномасини тузаётган пайтида молиявий фаолиятининг истиқболдаги натижалари муҳим роль ўйнайди. Суғурта компанияси фаолиятини амалга ошириши учун молиявий ва инвестицион рискларга нисбатан етарли даражадаги молиявий барқарорликка эга бўлиши зарур.


Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги деганда унинг нормал ва нохуш иқтисодий ҳолатларда ҳам тузилган суғурта шартномалари бўйича олинган мажбуриятларни бажара олиш имконияти тушунилади. Суғурталанувчи учун суғурта компанияси хусусий маблағлари таркибини таҳлил қилиш мақсадида унинг устав капитали миқдорини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Чунки компания тўловга қобиллигининг юзага келган ҳолатида унинг хусусий маблағлари суғурталанувчи олдидаги мажбуриятини бажаришда кафолат ҳисобланади.

Ҳозирда суғурта компаниялари иқтисодиёт субъектларининг эҳтимолликка кўра, молиявий барқарорлигига етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплаб бериш орқали уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Мазкур ҳимоя биринчи навбатда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигига узвий боғлиқ бўлиб, айнан молиявий барқарорликнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида тўлов қобилиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда шу тан олинганки, суғурталовчининг молиявий барқарорлигини аниқлаш масаласи суғурталовчиларнинг ўзлари, уларнинг ҳамкорлари, суғурталанувчилар ва давлатнинг муаммоси ҳисобланади. Суғурталовчилар молиявий барқарорлигига тааллуқли бўлган маълумотларнинг катта қисмидан суғурталанувчилар фойдаланиш имкониятига эга эмас. Суғурталовчилар тўғрисида эълон қилинадиган маълумотлар эса фақат уларнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ва лицензияси бекор қилинган суғурталовчилар тўғрисидаги маълумотлар билан чекланиб қолган.


Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги кўплаб факторлар билан аниқланади. Масалан молиявий барқарорлик факторлари бу ички ва ташқи ҳолатлар ҳисобланиб, улар суғурта компаниясининг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Бундай факторларга қуйидагиларни киритиш мумкин: сиёсат, иқтисодиёт, менежмент, ҳуқуқий ва солиқ соҳаси ҳамда компаниянинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатувчи микроиқтисодий ҳолатлар киради. Ушбу факторларни тавсифлаш (баҳолаш) абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади.

Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда факторларни суғурта компаниясининг фаолиятига боғлиқ бўлган ички (микроиқтисодий) ва ташқи (макроиқтисодий) факторлар сифатида классификациялаш муҳим ҳисобланади. Ушбу ҳолатни қуйида тасвирланган расм маълумотларидан кўришимиз мумкин (2-расмга қаранг).



2-расм. Молиявий барқарорлик факторлари таркиби¹²

Бугунги кунда суғурта бизнеси молия бозорининг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, ушбу секторда бизнес-жараёнларни амалга оширишнинг асосий воситаси пул оқимлари ҳаракати ҳисобланади. Пул оқимларининг самарали ҳаракати ва қайта тақсимланиши жами бизнеснинг қийматига боғлиқ. Шу муносабат билан суғурта бизнесининг қийматини баҳолашда суғурта компаниясининг пул оқимлари шаклланишига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу пул оқимлари суғурта компаниясининг даромадлар таркибига боғлиқ бўлади. Мазкур ҳолатни қуйида тасвирланган расм маълумотларидан кўришимиз мумкин (3-расмга қаранг).



3-расм. Суғурта компанияларининг даромад манбалари¹³

Бугунги кунда республикаимиз суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурта компаниялари даромадларини кўпайтириш йўллариини такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини белгилаш мумкин:

1. Суғурта компанияларининг инвестиция портфелини кенгайтириш, бўш пул маблағларини инвестицияга йўналтириш орқали юқори ва ишончли

¹²Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

¹³Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

даромад келадиган йўналишларни кашф қилиш зарур. Бундан ташқари, инвестиция портфелининг салмоқли ҳиссасини эгаллаётган депозитлар ва қимматли қоғозлар йўналишини мустақамлаш, компания ходимларига ва узоқ муддатли полис эгаларига қисқа ва узоқ муддатли қарзларни фоизли тўлов асосида бериш, кўчар ва кўчмас мулкка киритилаётган маблағнинг салмоғини ошириш, юридик шахсларнинг устав капиталида иштирок этишини рағбатлантириш зарур.

2. Суғурта компанияларида даромадларни кўпайтириш мақсадида компаниянинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Суғурта компаниясида молиявий стратегия узоқ келажакка мўлжалланган асосий молиявий кўрсаткичлар, унга етишишнинг йўллари ва усуллари, шунингдек, лозим бўлган молиявий заҳиралар аниқлаб олиниши керак.

3. Суғурта компанияларининг инвестиция сиёсатида белгиланган стратегиялардан компания ўз ихтиёрига кўра фойдалилик ва ликвидлиликни ошириш мақсадида бирор бирини ёки ҳаммасини биргаликда қўллаши мумкин. Бизнинг фикримизча, “портфел инвестиция” ҳамда “кейинчалик сотиш мақсадида инвестиция” стратегияси айнан суғурта компаниялари учун қулай, унга кўра қисқа муддатларда юқори даромадга эга бўлиш мумкин.

4. Суғурта компаниялари даромадларини шакллантиришда ва кўпайтиришда компаниянинг молиявий моделини яратиш ва уни ривожлантириш лозим. Шу билан бирга молиявий бошқариш органлари, компаниянинг молиявий тизими, молиявий ўзаро муносабатларнинг тури, молиявий қарорларни қабул қилиш механизмини аниқлаштириб олиш лозим.

Суғурта компаниясининг даромад ҳажмига суғурта портфелининг ҳажми ва таркиби таъсир кўрсатади. Баланслашган суғурта портфелига эга бўлган суғурта компанияси кўпроқ молиявий барқарорликка эга бўлади.

Диссертациянинг **“Суғурта бозори субъектларининг молиявий барқарорлигини комплекс баҳолаш”** деб номланган иккинчи бобида суғурта механизми суғурта компанияси молиявий барқарорлигини тартибга солишдаги роли, Ўзбекистон миллий суғурта бозори ҳолатини баҳолаш ҳамда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг хориж тажрибаси ва унинг таҳлили келтирилган.

Суғурта механизми эҳтимоллик хусусиятига эга. Самарали суғурта механизмини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш, суғурта компаниясининг малакали ходимлари томонидан ишлаб чиқилган суғурта сиёсатига боғлиқ бўлади. Шу боис пухта ишлаб чиқилган суғурта сиёсати суғурта компанияси фаолиятининг давомийлигини ва молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлайди.

Суғурта компанияси томонидан ишлаб чиқилган суғурта сиёсати унинг самарадорлигини йил якуни бўйича юзага келган молиявий натижалари, дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳолати, пул оқимлари ва хусусий капитал динамикаси орқали таҳлил қилиш мумкин. Ушбу таҳлилларни қуйида тасвирланган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (2-жадвал).

“Кафолат-суғурта” АЖнинг молиявий натижаларининг динамикаси
(даромадлар) (млн.сўм)¹⁴

Кўрсаткичлар	Йиллар					2014 йилга нисбатан 2018 йилда ўсиши (+) ёки камайиши (-) % да
	2014	2015	2016	2017	2018	
Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар	28 544,8	36 244,3	47 949,4	58 628,7	79913,2	280,0
Зарарларни қоплаш бўйича қайта суғуртадан даромадлар	1 413,1	3 169,7	4 857,7	8 440,9	6741,1	477,0
Қайта суғурта бўйича комиссиян мукофотлар, танъемалар ва йиғимлар бўйича даромадлар	2 703,9	5 174,9	7 468,1	2 963,6	1303,4	-51,8
Суғурта хизматлари кўрсатишдан соф тушум	32 661,8	44 589,0	60 275,1	70 033,2	87957,7	269,3
Суғурта хизматларини кўрсатишдан ялпи фойда	15 899,3	21 056,5	28 278,4	29 465,9	34905,0	219,5
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	146	408,2	1 206,6	1 389,3	1897,1	1299,4
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	4 557,8	5 963,7	4 794,9	8 391,2	16773,7	368,0
Фойда солиғини тўлангунга қадар фойда	3 075,4	3 063,2	3 567,4	4 306,1	4310,9	140,2
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	2 531,7	2 605,1	3 080,4	3 525,0	4060,4	160,4

2-жадвал маълумотларини таҳлил қилганимизда шу нарса аён бўлдики, зарарларни қоплаш бўйича қайта суғуртадан даромадларнинг сезиларли ошганлиги, қайта суғурта бўйича комиссиян мукофотлар, танъемалар ва йиғимлар бўйича даромадларнинг камайганлиги ҳамда асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари кескин равишда ошганлиги маълум бўлди. Битта кўрсаткичдан бошқа барча кўрсаткичлар юқори даражада ошгани ҳолда, ҳисобот даврининг соф фойдаси нисбатан паст даражада ошганлиги суғурта хизматлари кўрсатиш бўйича харажатларнинг ошганлиги суғурта компаниясида ишни ташкил этиш самарадорлигининг пасайганлигидан далолат беради.

¹⁴“Кафолат-суғурта” АЖ нинг баланс ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Шунингдек суғурта компаниясининг молиявий натижаларининг ўзгаришига унинг харажатлари ҳам ўзининг мустақил ўрнига эга. Ушбу ўзгаришларни куйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

“Кафолат-суғурта” АЖнинг молиявий натижаларининг ўзгариш динамикаси
(харажатлар) (млн.сўм)¹⁵

Кўрсаткичлар	Йиллар					2014 йилга нисбатан 2018 йилда ўсиши (+) ёки камайиши (-) % да
	2014	2015	2016	2017	2018	
Қайта суғуртага берилган суғурта мукофотлари	9 147,0	15 715,9	24 454,4	11 621,0	20442,4	223,5
Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси	4197,9	2 062,2	-	4 352,2	-	103,7
Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасининг ўзгариши натижаси	-	302,7	-	1 237,6	2234,8	738,3
Юз берган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасининг ўзгариши	-	673,8	753,5	1 681,8	751,1	111,5
Бошқа техник захираларда қайта суғурталовчилар улуши ҳисобга олинганда тегишли захиралар ўзгариши	-	1 857,2	4 137,9	3 182,8	6276,6	338,0
Суғурта хизматларининг таннархи	16 762,5	23 532,5	31 996,7	40 567,3	53052,7	316,5
Давр харажатлари	17 425,7	24 162,5	30 492,0	34 317,7	47723,6	273,9
Маъмурий харажатлар	17 295,3	24 016,9	30 282,8	33 999,1	47338,5	273,7
Бошқа операцияон харажатлар	130,5	145,6	209,2	318,6	385,1	295,1
Асосий фаолият зарари	1380,3	2 697,8	1 006,9	3 462,4	10921,5	791,2
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	102,1	202,7	220,7	622,6	1541,4	1509,7
Фойда солиғи	255,7	225,6	298,9	449,5	250,4	-2,08
Бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар	288,0	232,5	188,1	331,6	-	-100

3-жадвалда “Кафолат-суғурта” АЖнинг молиявий натижаларини ўзгариш динамикасини харажатлар қисми келтирилган бўлиб, мазкур ўзгаришларни таҳлил қилганимизда, хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ҳамда асосий фаолиятнинг зарари кўрсаткичлари сезиларли ошганлигини, молиявий фаолият бўйича харажатлар кўрсаткичи ҳам кескин равишда ошганлиги маълум бўлди. Мазкур кўрсаткичнинг кескин даражада ошганлиги юқоридаги хулосамизни, яъни суғурта компаниясида суғурта ишини ташкил этиш самарадорлигининг пасайганлигини тасдиқлайди. Бу эса суғурта компаниясида соф фойдани пасайишига олиб келади деган хулоса чиқаришга асос бўлади. Аммо шундай бўлсада, компаниянинг бошқа кўрсаткичлари сезиларли ошганлиги суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигининг ошишини таъминлаган.

¹⁵“Кафолат-суғурта” АЖ нинг баланс ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Шунингдек суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлашда суғурта компанияларининг инвестицияга йўналтирган маблағлари ҳажми, суғурта захиралари ҳажми ва хусусий капиталнинг ўрни жуда муҳим ҳисобланади. Хусусий капитал ташқи субъектлар олдидаги жавобгарликдан ҳоли бўлган ва шу туфайли компания узоқ муддатли инвестиция фаолиятини амалга оширишида, стратегик мақсадларни амалга оширишда ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган маблағлар ҳисобланади. Ушбу маблағлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги таъминланади. Ушбу ҳолатни қуйида тасвирланган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Суғурта компанияларининг инвестициялари, суғурта захиралари, хусусий капитал ва активларининг ўсиш динамикаси¹⁶ (млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2014 йилга нисбатан 2018 йилда ўсиш (+) ёки камайиш (-)
	2014	2015	2016	2017	2018	
Суғурталовчининг инвестицияга йўналтирилган маблағлари	623,7	758,1	867,5	1482,5	2010,7	+322,4 %
Суғурта захиралари	345,8	428,4	566,7	766,0	1112,2	+321,6 %
Хусусий капитал	523,0	595,3	654,5	1118,3	1385,2	+264,9 %
Активлар	871,5	1043,5	1183,5	2009,7	2534,1	+290,8 %

4-жадвалда суғурта компанияларининг инвестициялари, суғурта захиралари, хусусий капитал ва активлари тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлиб, ушбу маълумотларни таҳлил қилганимизда суғурталовчининг инвестицияга йўналтирилган маблағлари, суғурта захиралари ва хусусий капитали ҳамда активлари 2014 ва 2018 йиллар мобайнида ўсиб борган.

Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлашда ташқи ва ички актуар хизматлардан самарали фойдаланиш ва шу асосда таъриф сиёсатини амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз миллий суғурта бозорида актуар хизматлар етарли даражада деб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий бозорида 4 та актуар ташкилот фаолият кўрсатаётган бўлса-да, уларда хизмат кўрсатаётган малакали актуарийлар етарли эмас. Шу туфайли актуар хизматлар бўйича рақобат муҳити тўлиқ яратилмаган.

Суғурта бозорининг келажакда янада ривожланиши ва иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашдаги ўрнининг ортиб бориши шубҳасиз. Чунки ҳукуватимиз томонидан тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш ва кўламини кенгайтириш, ҳар бир оилани тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига шароит яратиб бериш мақсадида олиб

¹⁶<http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда, бу эса тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ турли кўринишдаги риск даражасининг ортишига олиб келади. Бундай рискларнинг юз бериши билан боғлиқ мулкий йўқотишларни ўз вақтида қоплашда суғуртанинг ўрни бекиёсдир.

Шу боис суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари фаолияти йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ушбу ҳолат қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Суғурта компаниялари ва уларнинг филиаллари сонини ўсиш динамикаси¹⁷ (сонда)

Кўрсаткич номи	Йиллар					2014 йилга нисбатан 2018 йилдаги ўсиш (+) ёки камайиш (-) % да
	2014	2015	2016	2017	2018	
Суғурта компаниялари сони	31	31	26	27	30	-1
Суғурта компанияларининг филиаллари сони	1048	1148	1123	1284	1451	+403

5-жадвалда суғурта компаниялари ва уларнинг филиаллари сони 2014 йилдан то 2018 йилларгача бўлган маълумотлар келтирилган бўлиб, 2014 йилга нисбатан 2018 йилда суғурта компаниялари сони 1 та камайган бўлса, суғурта компанияларининг филиаллари сони эса 2014 йилга нисбатан 2018 йилда 403 та ошган.

Аммо шундай бўлсада мамлакат ҳудудлари бўйлаб суғурта компанияларининг филиал ва бўлимлари сони сезиларли даражада ошиб, 2014 йилда 1048 тани ташкил этиб, 2018 йилда бу кўрсаткичи 1451 тага етган. Бу ҳолат суғурта хизматлари мамлакатнинг чекка ҳудудларида ҳам оммавийлашиб бораётганлигидан далолат беради.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотлари ҳамда амалга оширилган суғурта қопламалари сезиларли даражада ортган. Ушбу ҳолатни биз қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (6-жадвал).

6-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган суғурта қопламалари ва уларнинг суғурта мукофотларига нисбати¹⁸

